

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ S/5 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 5/5 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами бериледи.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ .....9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*  
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ  
САМАРКАНДСКОГО СОГДА ..... 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрам о'g'li*  
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR ..... 20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*  
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ  
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) ..... 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*  
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI  
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI .....32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*  
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ....37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*  
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....46-51
- Матажонов Раҳимжон Акрамович*  
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI .....52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*  
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*  
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF  
UZBEKISTAN ..... 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*  
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ ..... 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*  
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*  
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH  
USULLARI VA AFZALLIKLARI ..... 92-97

<i>Саатмуротов Шоҳрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ .....	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ .....	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ .....	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHKILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI .....	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ .....	130-137

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI .....	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ .....	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI .....	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR .....	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ .....	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI .....	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI .....	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI .....	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI .....	214-219

### 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ .....	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI .....	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI .....	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ .....	254-258

### 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA .....	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI .....	272-277

---

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS .....	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI .....	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH .....	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI .....	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI .....	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI .....	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIJ TA'MINOTI .....	316-322



07.00.00 – Тарих фанлари

**Назаров Комил Шамсуддинович**  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг  
Қашқадарё академик лицейининг директори, подполковник

### **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақилликнинг илк йилларида ички ишлар органлари тизимида кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар, уларнинг натижалари ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари ҳақида маълумот берилди.

**Калит сўзлар.** Ички ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Академияси, кадрлар тайёрлаш, ҳамкорлик алоқалари.

**Nazarov Kamil Shamsuddinovich**  
Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
Director of Kashkadarya Academic Lyceum, lieutenant colonel

### **ISSUES OF STAFF TRAINING IN THE SYSTEM OF INTERNAL AFFAIRS BODIES**

**Abstract.** This article provides information on the changes in the personnel training system in the system of internal affairs bodies in the first years of independence, their results, and issues of international cooperation in the field of personnel training.

**Keywords.** Ministry of Internal Affairs, Academy of the Ministry of Internal Affairs, personnel training, cooperation relations.

**Назаров Камил Шамсуддинович**  
Министерство внутренних дел Республики Узбекистан  
Директор Кашкадарьинского академического лицея, подполковник

### **ВОПРОСЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СИСТЕМЕ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

**Аннотация.** В данной статье представлена информация об изменениях в системе подготовки кадров в системе органов внутренних дел в первые годы независимости, их итогах, а также вопросы международного сотрудничества в сфере подготовки кадров.

**Ключевые слова.** МВД, Академия МВД, подготовка кадров, кооперационные отношения.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N07>

Мустақилликнинг илк йилларида ички ишлар органлари ва тизимлари учун кадрлар тайёрлаб берадиган ўқув муассасалари Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Хусусан, 1992 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан собиқ СССР Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари тизимидаги Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлигига қарашли Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти деб қайта номланди [1]. Ушбу ўқув юртининг асосий вазифасига Ўзбекистон ички қўшинлари учун олий ҳарбий техник мутахассисларини тайёрлаш юклатилди. СССР Ички ишлар вазирлиги Олий ёнғиндан сақлаш техника инженерлари мактабининг Тошкент филиали ҳам 1992 йилнинг январь ойидан қайта ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Тошкент ўт ўчириш техника билим юртига айлантирилди [2].

Мустақилликнинг дастлабки йилларига келиб, мамлакат ички ишлар вазирлиги идоралари ва бўлинмалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг комплекс тизимини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сонли қарори [3] ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1994 йил 20 октябрдаги 264-сонли буйруғига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва Ўрта махсус милиция мактаби негизда Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилди [4]. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Марказий Осиёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича энг йирик олий таълим муассасаси мавқеини янада мустаҳкамлади.

Ушбу ўқув юртлар ташкилий-тузилмавий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бевосита ихтиёрида бўлгани ҳолда, ўқув жараёни ташкил қилиш ва таълим дастурларининг мувофиқлаштирилиши жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўриқномаларига бўйсунар эди. Аниқроқ қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республика таълим тизимида юз берган ўзгаришлар ушбу ўқув юртларига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, улар фаолият йўналишлари заруратга қараб ўзгартирилар эди. Умуман олганда, таълим соҳасида амалга оширилган барча ислоҳотлар жараёни ички ишлар вазирлиги ихтиёридаги таълим муассасаларида ҳам кузатилди.

Шу билан бирга, 1990 йиллар бошларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилган мазкур олий мактабларга нафақат тамомила яроқсиз ҳолга келган худуд, маъмурий ва ўқув бинолари, ётоқхона, ошхона, балки тўлиқ коммунистик мафкура асосида ёзилган, ўзбек халқининг миллий руҳига бутунлай ёт бўлган ғоялар билан суғорилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий адабиёт мерос бўлиб қолган эди.

1991 йил сентябрда Тошкент олий мактабида 13 та кафедра, 3 та факультет мавжуд бўлиб, унда атиги 5 нафар фан доктори (3 нафар ҳуқуқшунос, 2 нафар файласуф), 47 нафар фан номзоди (шулардан 27 нафари юридик фанлар номзоди) ишлар эди. Ушбу фан номзодларининг аксарият қисми собиқ марказдан келганликлари учун уларнинг 70 фоизи 1991-1993 йилларда ўзларининг ватанларига қайтиб кетди [5]. Бу ҳолат, Ўзбекистон ички ишлар вазирлигига қарашли бошқа ўқув юртларида ҳам кузатилди.

1994 – 2010 йиллар оралиғида Академия профессор-ўқитувчилари 30 та дарслик, 70 та маърузалар курси, 150 та ўқув қўлланмаси, 259 та ўқув-методик қўлланма, 129 та намунавий дастур, 42 та монография, 13 та луғат, 10 та кодексларга илмий-амалий шарҳлар, 11 та илмий-оммабоп рисола, 9 та хрестоматия, 5 та ахборот бюллетени, 1 та энциклопедияни ёзиб, нашр эттирдилар. Бундан ташқари, Академия илмий жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва 10 га яқин кодексларга илмий-амалий шарҳлар яратди [6].

Академияга ташкилий жиҳатдан ички ишлар органлари офицерларини тайёрлаш бўйича ўқув курслари, малакасини ошириш факультети, олий академик курслар, сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар, 21 та кафедра, 14 та бўлим, ҳар хил ёрдамчи хизматлар киради. 14 та маъруза зали, 120 та ўқув аудиторияси ва ўқув-методик кабинет, шунингдек учта зал ва сув ҳавзасига эга бўлган спорт мажмуаси теннис ўйнаш ва атлетик тайёргарлик билан шуғулланиш учун спорт майдончалари, ўқотиш тири, криминалистик полигон, ички телевидение тизимига эга бўлган телемарказ, энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 16 та компьютер синфи ва бошқалар мавжуд. Тингловчилар учун китоб жамғармаси 500 мингдан ортиқ нусхадаги ўқув, илмий, ижтимоий-сиёсий, махсус ва бадий адабиётни, даврий ва ахборот нашрларини ўз ичига олган тўртта кутубхона хизмат кўрсатди. Шунингдек, замонавий компьютерлар ва матбаа ускуналари билан жиҳозланган босмахона, 30 ўринга мўлжалланган тингловчилар “миниполикникаси” фаолият юритди [7]

Мустақиллик шарофати билан мамлакатдаги бир қатор олий таълим муассасалари қатори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳам дунёнинг ривожланган давлатлари, ташкилотлари, нуфузли олий ўқув юртлари билан кенг доирада халқаро алоқалар ўрнатган. Тажиба ўрганиш мақсадида ўқитувчилар АҚШ, Германия, Италия, Россия, Швеция, Франция, Венгрия, Австрия каби бир қатор мамлакатларнинг полиция таълим муассасаларида малака ошириб келдилар.

АҚШ, Япония, Германия, Венгрия, Швеция, Россия Федерацияси ва Украинанинг ўқув юртлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан доимий алоқа йўлга қўйилган.2 Мазкур ҳамкорликлар натижасида Академия таълим жараёнига янгиликларнинг жорий этилишини кузатиб боришда “Инновацион педагогик технологиялар маркази” асосий ўрин тутди. Ушбу марказнинг асосий мақсади инновацион педагогик технологиялар ишлаб чиқиш, хориж тажибаларини ўрганиш, ўқитувчиларнинг касбий шаклланиши ва ривожланиши, педагогик маҳоратларининг доимий равишда ошириб бориши учун қулай шароит яратиш орқали келгусида Академияда педагогик фаолият самарадорлигини кўпайтиришдир.

Марказ негизида 2009 йилнинг 23-26 декабрь кунлари ЕХХТ (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида ташкил этилган “Таълимнинг интерфаол усуллари ва презентациялар ўтказиш малакаси” мавзусида семинар-тренинг ўтказилганлигини унинг самарали ишларидан бири сифатида мисол қилиб келтириш мумкин. Машғулоти Тошкентдаги “Global progress” ўқув марказининг интерфаол таълим соҳасидаги экспертлари ўтказдилар. Тренинг қатнашчилари тўрт кун мобайнида таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш имкониятларини ўргандилар [8].

2005 йилдан бошлаб Олий мактабда магистратура тизими бекор қилинди ва 5 йиллик тўлиқ олий таълимга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш бошланди. Мактабда “Ёнғин хавфсизлиги” йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг Академиясида ўқиётган сержантларнинг 2 та гуруҳи мактаб базасида 2 ойлик таҳсил олишади [9]. Ундан ташқари ёнғин хавфсизлиги ҳамда кўриқлаш объектлари инженер-техник ва раҳбар ходимларнинг малакаларини ошириш курслари доимий равишда фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июль “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори [10] билим юрти фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, олий ҳарбий техника билим юртининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича махсус дастур тасдиқланди. Ушбу дастур асосида бу олий таълим муассасасида таҳсил олаётган курсантлар учун барча қулайликларга эга 3 та ётоқхона, 3 та замонавий ўқув биноси, меҳмонхона, ҳаммом ва кир ювиш мажмуаси, 70 га яқин махсус синф, 4 та маъруза заллари, 50 та ўқув синфлари, 4 та компьютер синфи, махсус ва умумий кутубхоналар, 8 та спорт қурилмаси, клуб, 8 та ўқув шахарчаси, 3 та ўқотиш тири, спорт мажмуаси, стадион, бассейн, биринчи курс курсантлари “ёш аскарлар мактаби”ни ўташи ва юқори босқич курсантлари билан тактик дала машғулотларини ўтказишга мўлжалланган полигон янгитдан ташкил қилинди ва реставрация қилинди [11].

Шунингдек, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ташкилий тузилиши ҳамда ўқув тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, моддий-техник базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.3 Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида “Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усуллари ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий- илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган, вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усуллари кенг фойдаланиш даркор” [12],- деб таъкидлаган эди. Мазкур талабларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий билим юртида 2006 йилдан бошлаб ихтисослаштирилган моделлаштириш ва симуляция маркази барпо қилинди ва ундан ўқув – тарбиявий жараёнларда фойдаланилмоқда [13].

Мустақиллик йилларида панорамали компьютерлаштирилган ўқотиш тренажёри, ахборот ресурслари маркази ҳам ишга туширилди. Малака ошириш факультети ташкил этилди. Билим юртининг ўқитувчилар таркиби Ички қўшин бўлинмаларида узоқ вақт хизмат қилган, шахсий таркиб билан ишлашда катта амалий тажрибага эга бўлган зобитлар билан бутланди. Бу эса курсантлар ва тингловчиларга таълим-тарбия беришда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳаёти ва фаолияти билан боғланишни мустаҳкамлашга имкон яратмоқда. Тадқиқот даврида билим юртидаги 11 та кафедрада 24 та фан номзоди иш олиб борган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида ички ишлар вазирлиги тизимига тегишли бир қатор ОЎЮда олиб борилган ташкилий-тузилмавий, моддий, илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий ишларни давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Мутахассисларга бўлган янгича талабларнинг ишлаб чиқилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида етук кадрлар тизими юзага келди ва у мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2017 йилнинг 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Ички ишлар вазирлиги академиясига ташриф буюрди. Таълим муассасасининг тараққиёт даврини бошлаб берган тарихий ташриф чоғида Академиянинг нуфузи ва мақомини юксалтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

2017 йил 16 августда Президентнинг “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида кадрлар тайёрлашнинг бир поғонали тизими дастури бўйича олиндиган олий маълумот магистр даражасига тенглаштирилди. Кундузги таълимда ўқиш муддати уч йил этиб белгиланиб, мутахассислик йўналишлари кўпайтирилди. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари негизида – Касбий тайёргарлик факультети, Олий академик курслар негизида – Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети, шунингдек бошқа таркибий тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди.

2018/2019 ўқув йили учун кундузги таълим йўналишида ИИВ академиясига қабул жараёнида тест синовлари ўтказилмади. Бунинг ўрнига махсус профессионал танлов ва индивидуал суҳбат ташкиллаштирилди. Бу Ўзбекистон президентининг 2017 йилнинг 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган. Академияга номзодларни танлаш, қабул ва таълим тизими ҳақида тушунтириш бериши учун ишчи гуруҳлар тузилди. Турли ҳудудларда ўтказилган учрашувлар маҳаллий телевидение орқали ёритилди. ИИВ академиясига ўқишга қабул қилиш уч босқичда амалга оширилди: бошланғич ва махсус профессионал танлов ҳамда индивидуал суҳбат ўтказилди.

2021 йил 15 апрелда Президентнинг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Ўтган йиллар мобайнида Академия 11 та нуфузли халқаро ташкилот, хорижнинг 15 та турдош ҳамда юртимиздаги 10 та олий таълим муассасалари билан кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим шаклида (бундан буён Академия) ўқиш муддати 3 йил бўлиб, битирувчиларга олий маълумот тўғрисидаги диплом ҳамда “лейтенант” махсус унвони берилади. Академияда “Тергов фаолияти”, “Тезкор-қидирув фаолияти”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “Эксперт-криминалистика фаолияти”, “Жиноий жазоларни ижро етиш”, “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” ва “Ташкилий-штаб фаолияти” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Хуллас, истиқлол йилларида мамлакатимизда ички ишлар органларини кадрлар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Бунинг учун олий ҳарбий билим юртлари ва кейинчалик ўрта махсус билим юртлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ички ишлар органларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилди. Таълим тизимида эса уларни замонавий билимларни эгаллашлари учун имкониятлар яратилди.

**Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Ўз МА, М-23-фонд, 1-рўйхат. 7-иш, 19-варақ.
2. Ўз МА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 8-иш, 35-варақ.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрь қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 1994 йил 3 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси: 10 йил: Маълумотнома // Масъул муҳаррир проф. У.Таджиханов. – Т.: “Академия” ноширлик маркази, 2004. – 336 б.
5. Таджиханов У. Ҳуқуқ илмининг фахри // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир проф. У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 3.
6. Пўлатов Б. Мардлик ва ибрат мактаблари // HUQUQ va BURCH, 2007 йил 10-11-сонлар. 92-бет.
7. Қобилов Ш.Р. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси. – Т., “O‘qituvchi”. 2011.
8. Наилучшая практика первоначальной полицейской подготовки – аспекты учебной программы Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе. ОБСЕ. Вена. Май. 2010. – С.80.
9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг жорий архив материаллари
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти жорий архив материаллари
11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти жорий архив материаллари
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган табриги” // “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 14 январь.
13. Иродани тобловчи даргоҳ // “Постда” газетаси, 2011 йил 20 август.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/5 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).